

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МУҲАНДИС-ТЕХНИКА факультети

«ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР» кафедраси

**В 5620700-«Ер тузиш ва ер кадастри» йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Чироқчи тумани К. Содиков номли массив
ҳудудидаги «Алиқулов Музаффар» фермер хўжалигида ер
тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш

БМИ бажарувчи:

Азимов Турдимурод Раззоқович



Раҳбар:

қ.х.ф.н., Алиқулов Ғолиб

«Ҳимояга рухсат этилди»
Кафедра мудири _____
қ.х.ф.н. Ғ.Алиқулов
« _____ » _____ 2014 й.

«Ҳимоя учун ДАК га
юборилди» факультет декани
_____ доц. М.Н. Алиқулов
« _____ » _____ 2014 й.

Қарши 2014 йил



ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«ГК ва К» кафедраси мудири
_____ қ.х.ф.н., Ғ.Н.Алиқулов

« ____ » _____ 2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ

Талабанинг исми, шарифи: **Азимов Турдимурод Раззокович**

1.БМИ нинг мавзуси: **Чироқчи тумани К. Содиков номли массив ҳудудидаги «Алиқулов Музаффар» фермер хўжалигида ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш.**

«6» декабрь 2013 йилда Институтнинг № **585/Т** буйруғи билан тасдиқланган

2.Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати _____ 2014 й.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар

БМИ олди амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати). **Кириш. 1- боб Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи. 2- боб. Фермер хўжалигида ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш. 3- боб Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. Хулоса..Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. Массивнинг ер ва экин турларини амалдаги жойлашув тарҳини чизиш

2. Фермер хўжалигини тунроқ харитасини чизиш

3.Ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш(2-ечимда)



4.Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвали.

6.БМИ қисмлари бўйича маслаҳат берувчилар

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана

7.Топшириқ берилган вақт « ____ » _____ 2014 йил

Рахбар: _____ Топшириқ олди _____



7.Битирув малакавий ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Бажарил- ганлиги
		сана	куни	%	
1	<i>Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш</i>			5	
2	<i>Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифини ёзиш</i>			15	
3	<i>Массивнинг қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турлари туширилган тарҳини чизиш.</i>			24	
4	<i>Массив ҳудудидаги ер турлари таркиби бўйича йўқлама қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш</i>			35	
5	<i>Лойиҳавий чизмаларни чизиш.</i>			49	
6	<i>ЭҲМ дан фойдаланиш</i>			69	
7	<i>Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.</i>			79	
8	<i>Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.</i>			92	
9	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.</i>			96	
	<i>БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.</i>			100	

Битирув малакавий иши раҳбари



Ғ.Алиқулов

Топшириқни бажаришга олдим

Т.Р.Азимов

Топшириқ берилган вақти.

2014 й.



Кириш


Ревожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум бўлдики, фермер хўжалиги ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини тўла намоён эта олди. Бугунги кунда Республикамизда Фермер хўжалиги қишлоқда хўжалик юритишнинг энг қулай ва самарали эканлигини исботлади. Фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилмоқда, меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилмоқда. Фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда этакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланиб бормоқда.

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмларни шакллантирилишига ва самарали фаолият кўрсатишига алоҳида эътибор бермоқда.

Бугунги кунда Республикамизда аҳоли сони 30 млн дан ошиб бораётганлигини инобатга олсак, мавжуд фермер хўжаликлари ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш, сув ресурслари билан таъминлаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларни муҳофаза қилиш каби ҳаётий муҳим йўналишлар шароитини яхшилаш ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Республика иқтисодиётини ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтirmoқда. Аммо, бу борадаги ишлар қишлоқ хўжалиги тармоғида талаб даражада эмаслиги кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш





орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгиланган берилган эди.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта-ғалла етиштираётган фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилишни талаб этилмоқда. Чунки пахта-ғалла етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи, минерал ўғитлар, уруғлик, техник сервис хизматларидан фойдаланиш маданияти, навбатлаб экиш тизимини илмий асосда ташкил этилмаганлиги сабабли етиштирилган маҳсулотни таннархи ошиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ноқулай бўлган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда, иқтисодий самарадорлик пасаймоқда. Маҳсулот таннархини камайтириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш, ҳосил миқдорини янада кўпайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Битирув малакавий ишга танланган объект Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги К.Содиқов номли фермер хўжалиги массивига қарашли “Алиқулов Музаффар” фермер хўжалигидир. Хўжалик айнан тоғ олди қир адир минтақасида жойлашган бўлиб, таҳлиллар натижалари Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани қирадир шароитида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- хўжалик ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини ўрганиш;
- ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ер тузиш тадбирлар жамланган лойиҳа ишлаб чиқиш;
- лойиҳани экологик ва иқтисодий асослаш.



1-боб. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубида 37-39⁰ шимолий кенгликда жойлашган бўлиб, ғарбдан шарққа томон 293 км, шимолдан жанубга томон 195 км чўзилган майдонни эгаллайди. Умумий майдони 2856,8 минг. га бўлиб Ўзбекистон умумий майдонининг 7,0 фоизини ташкил этади.


К.Содиқов номли массиви Қашқадарё вилоятининг жанубий шарқ қисмида жойлашган бўлиб, Массивнинг асосий йўналиши боғдорчиликка ихтисослашган. Жами бириктирилган ер майдони 5793 гектарни ташкил этиб, 517 гектари суғориладиган ерларни ташкил қилади.

Хўжалик ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1- жадвалда келтирилган.

1-Жадвал.

Массивининг ер фонди

т/р	Ер турлари	Майдони	
		га	%
1	Экин ерлари жами, шу жумладан:	2981	51,4
	Суғориладиган ерлар	416	7,2
2	Кўп йиллик дарахтзорлар жами, шу жумладан:	37	0,6
	Суғориладиган	37	0,6
3	Пичанзор ва яйловлар	1861	32,1
4	Буз ерлар	128	2,2
5	Қишлоқ хўжалик ер турлари жами	5007	86,4
	Суғориладиган	453	7,8
6	Томорқа ерлари	287	4,9
	Суғориладиган	61	1,1
7	Урмонзорлар	3	0,05
	Суғориладиган	3	0,05
8	Бошқа ерлар	496	8,6
Массив бўйича жами ерлари		5793	100



1-жадвал маълумотларидан кўринадики, массив умумий майдонининг 51,4 %ини, яъни 2981 га майдонни экин ерлари ташкил қилади. Кўп йиллик дарахтзорлар майдони 37 га, бу эса умумий майдоннинг 0,6 % ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ер турлари жами 5007 гектар бўлиб, умумий ер майдонининг 86,4 % ини ташкил қилади.



К.Содиқов номли массиви 2005 йили иқтисодий инқироз сабабли фермер хўжаликги уюшмасига айлантирилди. 2005 йили массив таркибида “Алиқулов Музаффар” фермер ташкил қилинган бўлиб, 16,0 гектар ер бириктирилган. Чироқчи туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2006 йил 27 январдаги №64 сонли гувоҳномаси берилган ҳамда “Алиқулов Музаффар” фермер хўжалиги Низоми тасдиқланган. Тасдиқланган низом асосида фаолиятини тўғри ташкил этганлиги сабабли, 2008 йил 17 ноярб №8-439/ф сонли Чироқчи туманини қарорига асосан туман ҳокимлиги захира ер майдонидан қўшимча № 206, 207, 209-контурларидан жами 80.9 гектар ер майдони бириктирилган.

“Алиқулов Музаффар” фермер хўжалиги деҳқончилик йўналишида фойдаланиш мақсадида жами 96.9 гектар, шундан 96.2 гектар лалми ҳайдаладиган, 0,7 йўл ости ер майдонлари 49 йилга ижарага берилган.

“Алиқулов Музаффар” фермер хўжалиги Массивнинг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, 2 та ер учусткасидан иборат.

Массив ҳудудида фаолият курсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши деҳқончилик (пахтачилик ва ғаллачилик) бўлсада шу билан бир каторда ёрдамчи тармоқ сифатида чорвачилик билан ҳам шуғулланилади.

Массив ҳудуди 2012 йил маълумотларига кўра, 27 та фермер хўжаликларига бириктирилан бўлиб қўйидаги маълумотларга келтирилган.




Фермер хўжаликлари тўғрисида маълумот

Фермер хўжаликларининг йўналишлари	Сони	Умумий ер майдони	Экин ерлар		
			Жами экин ерлар	Шундан	
				Сувли	Лалми
Пахта-галлачилик	4	559,1	518,4	355,8	162,6
Галлачилик	20	2302,1	2108,7		2108,7
Чорвачилик					
Богдорчилик-узумчилик	1	14,6			
Сабзавот-полизчилик					
Бошқалар	2	11,0	8,0	4,0	4,0

2-жадвал маълумотларига қараганда фермер хўжаликлари тасаруфида умумий ер майдонининг 1592,5 га ер майдонни бириктирилган. Массив бўйича 27 та фермер хўжалиги пахта-галлачилик ихтисослашган.

1.2. Табiiй шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими. Самарқанд вилоятининг иқлим шароитларини ўзига хос хусусиятлари тез ўзгаручан –қуруқ ва иссиқ ёз, намгарчилик кўп бўладиган баҳор ва совуқ қиш билан ажралиб туради. Массив ҳудудида жами 416 гектар суғориладиган ер майдони бор. Ушбу ер майдонларнинг тупроғи суғориладиган типик бўз тупроқлардан иборат бўлиб, Январь ойида ўртача ҳарорат 1° июль ойида $28-30^{\circ}$; энг паст ҳарорат -25° , -29° , энг юкори ҳарорат $47-47^{\circ}$. унинг асосий қисми (50-52 %) кеч куз ва қишда ёғади март апрел ойларидаги ёғингарчилик 37-40% дан ошмайди.



3-жадвал



Ҳавонинг ўртача ойилик ва йиллик ҳарорати, C^0 (Ўртача кўп йиллик маълумот)

Мете-останция	Ойлар												Ўртача	тебраниши	Ҳарорат+10 0C
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII			
Чироқчи	0,8	4,1	28,7	15,3	21,6	27,0	29,5	27,9	22,5	15,2	8,6	3,8	15,5	28,7	4977

4-жадвал

Атмосфера ёғинларининг ўртача тақсимланиши (кўп йиллик маълумот)

Метео-станция	Ойлар												йиллик	Фасиллар бўйича ёғинлар			
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII		баҳор	қиш	ёз	куз
Чироқчи	47	38	65	52	29	6	2	0	1	14	33	40	327	38.3	44,6	2,4	14,7



Совуқ бўлмаган вақт 260 кундан иборат. Ёз ойларининг иқлим бўйича тавсифи қуйидагича: июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 27 градусга тенг бўлиб, энг иссиқ ҳарорат 45 градусни ташкил этади. Йил бўйича кучли шамол эсадиган (секундига 15 метрдан ортиқ) кунлар сони 5 кунни ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 150-220 мм ни ташкил қилади. Иқлимнинг метеостанция маълумотлари бўйича куп йиллик уртача маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.


Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган иқлим шароитлари юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга қулай бўлиб ҳисобланади.

Рельеф. Қашқадарё вилоятида қуйидаги геоморфологик районларга бўлинади:

- Баланд ва ўрта тоғлар
- Ўрқирли
- Ясси
- Сертошлипаст тоғлар
- Тоғолди
- Лёсс ва лёссимон тоғолди тўлқинсимон адирлар
- Тоғолди шағалли шлейфлар
- Дарё водийси
- Қуруқ ўзанлар

Массив ҳудуди лёсс ва лёссимон тоғолди тўлқинсимон адирларликлардан иборат. Вилоятнинг жанубий-шарқ қисмини Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмалари ташкил этиб, айрим баландликлар 4500 метргача этади. “Аликулов Музаффар” фермер хўжалиги эса денгиз сатҳидан тахминан 850-900 метр баландликда бўлиб, унинг рельефи қулай типик бўз тупроқдан иборат.

Гидрогеологик шароитлари. Хўжалик ҳудудида рельефга мос равишда ҳар хил гидрогеологик шароитлар учрайди. Ер ости сувларининг пайдо



бўлиши ва тўйиниши ёғингарчилик сувларнинг филтрланиши натижасидан рўй беради.

Тупроқ. Қашқадарё вилояти ерлари қуйдагича тупроқ типларига бўлинган бўлиб, эгаллаган ер майонлари ҳақидаги маълумотларни 1988 йилда чоп этилган “Қашқадарё вилоятида илмий асосланган деҳқончилик тизими”дан олинди ва улар қуйдагича.

I. Вертикал минтақа тупроқлари

- а) Баланд тоғ оч тусли қўнғир тупроқлари-82,6 минг гектар
- б) Жигарранг тупроқлари-407,3 минг гектар
- в) Тўқ тусли бўз тупроқлар-251,1 минг гектар
- г) Типик бўз тупроқлар-661,4 минг гектар
- д) Оч тусли бўз тупроқлар-548,0 минг гектар
- е) Ўтлоқи, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар-107,8 минг гектар


II. Чўл зонаси тупроқлари

- а) Тақир ва тақирсимон тупроқлар-335,0 минг гектар
- б) Чўл қумли тупроқлар-62,7 минг гектар
- в) Чўл минтақасининг ўтлоқи тупроқлари-45,2 минг гектар
- г) Сур тусли қўнғир тупроқлар-176,4 минг гектар
- д) Шўрхок ерлар-45,0 минг гектар
- е) Қум ва бошқа тупроқлар-115,5 минг гектар

Қашқадарё вилоятида 251 минг гектардан ошиқроқ ер майдонларини тўқ тусли бўз тупроқлар ташкил этади. “Алиқулов Музаффар” фермер хўжалиги жой лёсс ва лёссимон тоғолди тўлқинсимон адирларликлардан иборат.

Фермер хўжалиги ерлари шўрланмаган бўлиб, карбонатлар 40-60 см ли қатламда учрайди. Механик таркиби бўйича ўрта қумоқлидир.

Фермер хўжалиги жойлашган минтақа ёғингарчилик билан таъминланган ерлар тоифасига кириб, типик бўз тупроқлар билан, тупроғи оч тусли бўз тупроқлар зонаси аралашиб кетади, яъни, икки типча чегараланади.



Лалмикор ерларнинг тупроқ-иқлим шароитини оч тусли, типик ва тусли бўз тупроқлар поясларига бўлади. Типик бўз тупроқларнинг характерли морфологик белгилари қўйидагилардан иборат:

1) хайдаладиган гумус қатлами бир хил бўз рангли ва 25-30 см сфкбыкбрлф бўлади.

2) хайдаладиган қатлам тагидаги гумусли қатлам бўз рангли бўлиб, баъзан кўкиш товланади, бирмунча тигизланган, қалинлиги 10-15 см бўлади.

3) Гумусли ўтувчи тупроқ қатлами сур рангли бўлади ва сарғиш-кўнгир рангда товланади. Қатлам чуқурлашган сари тўқ ранг кучаяди, корбонатли доғлар, одатда морфологик жиҳатдан яхши билиниб турмайдиган майин бирикмалар бўлиниши мумкин.



Массив ҳудудида 0-25 см қатламидаги чиринди миқдори 1.23- 1.30 ва 25-50 см да эса 0.9 -1.05 % атрофида бўлиб, тупроқ таркибидаги азот миқдори, ундаги чиринди кўрсаткичига мос равишда 0.09-0.15 ва 0.07-0.11 % эканлиги аниқланди (5-жадвал). Умумий фосфор билан етарли даражада таъминланган бўлиб, унинг ялпи миқдори 0-25 см қатламда 0.126- 0.131 % атрофида ўзгариб турса, ялпи калий миқдори эса анча юқори, 0-25 см қатламда 2.39-2.46 % бўлиб, унинг асосий қисми тупроқнинг хайдалма қатламида жойлашган. Ҳудудда ер ости сувларини чуқур жойлашиши (10-12 м) ва тупроқ пайдо қилувчи она жинсининг шўрланмаганлиги туфайли, сувда эручан тузлар билан жуда кам миқдорда тўйинган. Бу эса, ушбу ҳудудда барча қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мумкинлигини кўрсатади.

5-жадвал.

Тупроқларининг агрохимёвий хоссалари (2005 й).

Намуна олинган катлам, см	Чиринди, %	Умумий миқдори			Ҳаракатчан миқдори		
		Азот	Фосфор	Калий	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
0-25	1,25	0,09	0,126	2,39	15,8	18,7	224
25-50	0,95	0,07	0,106	2,40	10,6	13,5	203

Фермер хўжалиги тупроқлари агрофизикавий таҳлилининг кўрсатишича, тадқиқот ўтказилган дала тупроқларининг хайдалма қатламининг зичлиги



1.31- 1.34 г/см³, солиштирма массаси 2.60 – 2.67 г/см³ оралиғда бўлган тупроқларнинг ғоваклиги ўртача 49.2-50.2 % ни ташкил этади (6- жадвал).

6-жадвал.

Фермер хўжалиги тупроқларининг агрофизикавий хоссалари (2005 й).

Намуна олинган қатлам, см	Тупроқ зичлиги, г/см ³	Солиштирма массаси, г/см ³	Ғоваклиги, %
0-25	1,32 +/- 0,13	2,60+/-0,11	49,2
25-50	1,39+/-0,15	2,63+/-0,16	47,1


Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, шарқдан- жанубга қараб тўлқинсимон қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида суғориладиган ерлари рельеф ўзининг маданий кўринишини олган.

Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган, рельефи бўйича содда ер майдон ҳисобланади. Механик таркиби бўйича ўртача ва енгил қумоқлардан иборат, шўрланмаган.

1.3 Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Суғориладиган ерлар шароитида ирригация ва мелиорация шаҳобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Массив массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган.

Асосий суғориш тармоғи Москва канали ҳисобланади. Хўжаликдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу ариқлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан кам таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудида бетон ариқлар ҳам жойлаштирилган бўлиб бу йиллар ўтиши билан таъмирланмаган шу сабабли суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,70 – 0,73 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 27 – 30 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш



тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далаларнинг тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Массив худудида 2565 гектар лалми ерлари мавжуд бўлиб, рельефи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, лалми деҳқончилик қилишга қулай ҳудуд ҳисобланади.

1.5 Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массив худудида жойлашган аҳоли пунктларида оилалар сони 1148 тани ташкел қилади. Аҳоли асосан учта қишлоқда истиқомат қилади. Хўжаликда 1 та марказий қишлоқ мавжуд. Мавжуд қишлоқлар бир – бирлари билан яхши йўл алоқасига эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

7- жадвал

Массивдаги аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қишлоқлар номи ва	Оила-лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаштирилган лиги	Бажарадиган вазифаси
		Ҳам-маси	Меҳ-натга яроқли			
Тукчи	130	689	286	Магазин, чойхона	электрлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Кулчиял	289	1502	607	Мактаб. Боғча. магазин	электрлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Юрактепа	729	3863	1603	Идора, мактаб. Махалла гузари, сартарошхона	электрлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган	Марказий қишлоқ
жами	1148	6054	2496			

1.6 Ердан фойдаланиш тавсифи.


2013 йил 1 январь ҳолатига нисбатан К.Содиқов номли массивга 5793 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Хўжалик ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

Массив худуди фермер хўжаликларига бириктириб берилган ерлар майдони 1592,5 гектарни ташкил қилмоқда. Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 59 гектарни ташкил қилади.


Фермер хўжаликларининг ер турлари бўйича майдонлари

№	Фермер хужалиги номи	йуналиши	Умумий ер майдони	Экин ери			куп йиллик дарахтзорлар			Буз ерлар	Пичанзор ва яйловлар	Кишлок хужалик ер турлари жами	сув остидаги ерлар	йул, суқмок ва чорва йуллари	Бошқа ерлар
				Жами	Шундан		Жами	Шундан							
					сувли	лалми		боғ	тутзор						
1	Эшкулов Шохзамон Жасуров	пах-гал	44,5	40,8	27,8	13						40,8	1,9	0,6	1,2
2	Рахмон хожи Хуррамович	пах-гал	92,9	87,9	36,8	51,1	2	2				89,9	2,3	0,7	
3	Омонкулов Шарафиддин Бахриддинович	пах-гал	42,1	42	5,0	37,0						42	0,1		
4	Шураев Турсун Шураевич	пах-гал	20,6	20	20							20	0,4	0,2	
5	Бердиёров Сайд К.С.	галла	131,9	129,6		129,6					1,0	130,6	0,8	0,5	
6	Кодиров Абдурахмон К. С.	галла	107,9	107,3		107,3						107,3	0,2	0,4	
7	Бурхон Жовлиевич	галла	60,4	60		60,0						60		0,4	
8	Равшан Хожабеков	галла	105,2	100,7		100,7					3,5	104,2	0,4	0,6	
9	Аликулова Тошбиби	галла	124,4	124,3		124,3						124,3		0,1	
10	Умаров Тожи К.С.	галла	98,4	98,4		98,4						98,4			
11	Отабек Негматович	галла	110,2	110		110,0						110		0,2	
12	Хушназаров Парда К.С.	галла	134,4	100,5		100,5					32,8	133,3			1,1

13	Санжар Сардор Норбоевич	галла	61,3	60,3		60,3					60,3		1,0	
14	Аликулов Музаффар	галла	96,9	96,2		96,2					96,2		0,7	
15	Ислом Абдирахмонович	галла	113,7	113		113,0					113		0,7	
16	Кораев Гоффор К.С.	галла	94,8	88,6		88,6				4,6	93,2		1,6	
17	Исаков Тура Файзуллаевич	галла	78,9	74,2		74,2				2,5	76,7	1,6	0,5	0,1
18	Рузикулов Турдимурод К.С	галла	125,1	125		125,0					125		0,1	
19	Инназаров Махаммади	галла	70,1	70		70,0					70		0,1	
20	Каримов Самад	галла	132,5	50		50,0			81,0		131		1,5	
21	Зияев Шоймурод	галла	118,4	107,6		107,6				10,4	118		0,4	
22	Нормаматов Фахриддин К.С.	галла	130,6	120		120,0				10,0	130		0,6	
23	Журахон Умаров	галла	105,0	102		102,0					102			3,0
24	Тожиев Тохир Азаматович	галла	124,2	110		110,0				13,0	123		1,2	
25	Рузикул чупон	бог	14,6				14	14			14	0,4	0,2	
26	Бердияров Умирзок Файзуллаевич	парранда	7,0	4		4	2,5	2,5			6,5			0,5
27	Робия Окбоевна	куёнчил	4,0	4	4						4			
	Вакант (Махмарахимов Нурбек)	галла	112,1	111		111,0					111	0,5	0,1	0,5
	Вакант (Имомкулов Нормурод)	галла	65,7	50		50,0				15,0	65		0,7	
	Вакант (Дустмуродов Кулмурод Дустмуродович)	пах-гал	109,2	102,7	58,7	44	3	3			105,7	3,1	0,4	



	Вакант (Асадов Турсун)	пах-гал	76,7	67,8	64,3	3,5	1		1		0,8	69,6	3,0	1,7	2,4
	Вакант (Фуркат Пардаевич)	пах-гал	52,0	46,2	36,2	10	4,5	1,5	3			50,7	0,7	0,6	
	Вакант (Турсун Рузикулов)	пах-гал	64,2	61	57	4						61	2,5	0,7	
	Хамрокул Тошмуродович (Пахтакор)	пах-гал	53,9	47	47		3		3			50	2,6	1,1	0,2
	Захира		3,0	3	3							3			
	Массив буйича жами	27	2886,8	2635,1	359,8	2275,3	30,0	23,0	7,0	81,0	93,6	2839,7	20,5	17,6	9,0
	Пахта-галлачилик	4	559,1	518,4	355,8	162,6	13,5	6,5	7,0		0,8	532,7	16,6	6,0	3,8
	Галлачилик	20	2302,1	2108,7		2108,7				81,0	92,8	2282,5	3,5	11,4	4,7
	Чорвачилик														
	Богдорчилик-узумчилик	1	14,6				14,0	14,0				14,0	0,4	0,2	
	Сабзавот-полизчилик														
	Бошқалар	2	11,0	8,0	4,0	4,0	2,5	2,5				10,5			0,5



1.7 Дехқончилик тавсифи

“Алиқулов Музаффар” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятининг 2013 йил маълумотлари бўйича тахлили қилиш учун фермер хўжалигининг ер фондини атрофлига таҳлил қилиш зарур (9-жадвал)

9-жадвал

Фермер хўжалигининг ер фонди


т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1	Хайдалма ерлар	96.2	99.3
2	Қишлоқ хўжалик ер турлари жами	96.2	99.3
3	Йўл остидаги ерлар	0.7	0.7
Фермер хўжалигида бириктирилган ерлар		96.9	100

9- жадвалдан куринадики, асосий дехқончилик тармоғи ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, пиллачилик тармоқлари ҳам мавжуд бўлиб бу тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Дехқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1.	Жами экин ерлари	96.2	96
2.	Шу жумладан суғориладиган лалми	16.0 80,2	16.5 79.5
3.	Йўл остидаги ерлар	0.7	0.7
Умумий ер майдони		96.9	100



Юқоридаги жадвалдан кўриниб фермер хўжалиги тоғ олди ҳудудид
жойлашганлиги сабабли, ҳайдалма ерларда ғалла экини билан банд майдон
96,2 га бўлиб, умумий экин майдонларининг 96.0 % ни ташкил қилади.
Ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан
бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари
ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги 11-жадвалда деҳқончилик
маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

11- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/ р	Экинлар тури	Майдони, га	Ҳосилдор -лиги, ц	Ялпи маҳсулот ҳажми, т
1	Ғалла ш. ж.: суғориладиган	16	35.0	56
	лалми	62.2	12	74,6
2	нўхат	5	8.0	4.0
3	Зиғир	3	6.5	2.0
Жами				136,6

Фермер хўжалигида боғ ва узумзорлари йўқ.



**1.7. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий
кўрсаткичлари**

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан
иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

12-жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/ р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Миқдори, тонна	Ўлчов бирлиги баҳоси, мингсўм	Умумий баҳоси, минг сўм	Сотиладиган маҳсулотлар қиймати, минг сўм
---------	---	-------------------	--	-------------------------------	--




1	2	3	4	5	6
1	буғдой	130.6	380	156720	156720
2	нўхат	4	1200	3200	3200
3	зиғир	2.0	800	15000	15000
7	пилла	5.0	7500	37500	37500
	жами			212420	212420

13- жадвал

Фермер хўжалигининг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	5086770
	Шу жумладан: Деҳқончилик	Минг сўм	5061770
	Чорвачилик	Минг сўм	25000
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	178432,8
	Соф даромад	Минг сўм	33987,2
	Рентабеллик	%	19.0

10-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2013 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 180557,0 минг сўмни, соф даромад 31863,0 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 17,6 %ни ташкил этган.



2- боб. Фермер хўжалигида ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш

2.1 Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш бўлинмаларини жойлаштириш лойиҳасини иқтисодий баҳолаш

Битирув малакавий лойиҳаси ечимларини иқтисодий таҳлил қилиш қуйидаги кўрсаткичларни таққослаш йўли билан амалга оширилади:

- а) капитал (бир марта сарфланадиган) харажатлар ҳажми;
- б) ҳар йилги ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми.

Бу кўрсаткичлардан ташқари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ишчиларни ишлаши учун маданий ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси ошириш кўзда тутилади.

Ечимлар бўйича капитал харажатларни аниқлаганда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун қилиниши зарур бўлган ишлар харажатларини ҳисобга олиниши зарур.


Фермер хўжалигида иш жараёнини бозор талаблари асосида ташкил этиш учун кетадиган капитал харажатлар қуриладиган бино ва иншоотларнинг смета (лойиҳа бўйича) баҳоси билан аниқлаш зарур бўлади.

Бунинг учун қуриладиган бино ва иншоотларнинг рўйхати тузилади. Ҳисоблаш ишларини енгиллатиш мақсадида илмий муассасалар тавсия қилган ўртача меъёрлардан фойдаланиш мумкин.

14-жадвал

Фермер хўжалигида қурилиши лозим бўлган қурилишлар қиймати.

Лойиҳани ишлаган ташкилот номи	қурилишнинг номи	қурилиш- нинг қиймати млн сўм	1-ечим		2-ечим	
			сони	умумий қиймати млн. сўм	сони	умумий қиймати млн.сўм
Б – маданий-маиший бино ва иншоотлар						
«Ўзқишлоқ- қурилиш- лойиҳа»	Дала шйипони	7	1	7	1	7
«Ўзқишлоқ- қурилиш- лойиҳа»	Душ	2	1	2	2	4
В – маъмурий ишлаб чикариш бинолари ва иншоотлари						
816-17С	СТФ	50	1	50	1	50
Жами:				50	2	50
Хаммаси:				59		61



Ечимлар бўйича аниқланган капитал харажатлар 3-жадвалга ёзилади.

15-жадвал

Ечимлар бўйича капитал харажатлар ҳажми.

т/р.	Харажатлар турлари	Харажат қиймати, млн.сўм	
		1-ечим	2-ечим
1	2	3	4
1.	Маданий-маиший қурилиш	9	11
2.	Маъмурий, ишлаб чиқариш ва бошқа қурилишлар	50	50
Жами:		59	61

Бир марта сарфланадиган капитал харажатлар аниқлангандан кейин ечимлар бўйича йиллик харажатлар аниқланади. Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларига капитал харажатлар бўйича амортизация ажратмаси, асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни ташкил қилиш харажатлари киради.

Бино ва иншоотлардан фойдаланиш харажатлари капитал харажатлар қийматидан % ҳисобида аниқланади.


Транспорт харажатлари таркибига етиштирилган маҳсулотни далалардан хўжалик марказларига ташиш, юкларни хўжалик марказидан далаларга ташиш (минерал ва маҳаллий ўғитлар, ёнилғи-мой ва бошқалар) ва ишчиларни иш ўрнига олиб боришга ва олиб келишга кетадиган харажатлар киради.

16-жадвал

Ечимлар бўйича амортизация ажратмаси, бино ва иншоотлардан фойдаланишни ташкил қилиш учун кетадиган харажатлар

Т.р	Харажат турлари	Ажратиладиган %	Харажатлар, минг сўм	
			1-ечим	2-ечим
1	Амортизация ажратмаси шу жумладан:		1830	1870
	маданий-маиший бино ва иншоотлар	2,0	180	220
	-маъмурий, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари	3,3	1650	1650
2	Бино ва иншоотлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар	4.0	2360	2440
Жами:			4190	4310

Юкларни ташишга кетадиган транспорт харажатлари қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:



$$C_1 = \frac{P_{\phi} \times Y \times R \times S_{\text{ю}}}{1000}$$

$$C_2 = \frac{P_{\phi} \times Y \times R \times S_{\text{ю}}}{1000}$$

Бунда: C_1 – СФермер хўжалиги ичида юкларни ташиш харажатлари, минг сўм;

P_{ϕ} – массивда фойдаланиладиган ерлар майдони, га;

Y – 1 га тўғри келадиган ўртача юклар миқдори, т;

R – юкларни ташишнинг ўртача масофаси, км;

$S_{\text{ю}}$ – 1 т юкни 1 км масофага ташиш ҳаққи, сўм

Бир гектарга тўғри келадиган ўртача юк таркибига уруғлик, маъданли (минерал) ва маҳаллий ўғитлар, асосий ва қўшимча маҳсулотлар ҳамда сарфланадиган ёнилғи миқдори киради.

$$R_1=0.9 \text{ км.}$$

$$R_2=1.0 \text{ км.}$$

$$C_1 = 96,9 \times 17,0 \times 0,9 \times 500 / 1000 = 738,99$$



$$C_2 = 96,9 \times 17,0 \times 1,0 \times 500 / 1000 = 823,65$$

Аҳоли яшаш жойлари фермер хўжалиги атрофида бўлганлиги сабабли, ишчиларни иш ўрнига олиб бориш ва олиб келиш харажатларини лойиҳа ечимларида ҳисобга олмаймиз.

17-жадвал

Ечимлар бўйича транспорт харажатлари, минг сўм ҳисобида.

Транспорт харажатлари тури	Транспорт харажатлари миқдори	
	1 – ечим	2 – ечим
Юкларни ташиш	738,99	823,65
Жами:	738,99	823,65



Ечимлар бўйича йиллик харажатлар қўйидагича аниқланади.

18-жадвал

Ечимлар бўйича йиллик харажатлар.

Харажат турлари	Харажатлар миқдори, минг сўм	
	1-ечим	2-ечим
1	2	3
Амортизация ажратмаси	1830	1870
Бино ва иншоотлардан фойдаланишни ташкил қилиш харажатлари	2360	2440
Транспорт харажатлари	738,99	823,65
Жами:	4930,99	5136,65

Капитал ва йиллик харажатлар аниқлангандан кейин, ечимлар бўйича келтирилган харажатлар аниқланади. Бунда қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$P_i = C_i + K_i * E_n$$

Бунда: P_i – ечимлар бўйича келтирилган харажатлар, минг сўм;

C_i – ечимлар бўйича йиллик харажатлар, минг сўм;

K_i – ечимлар бўйича капитал харажатлар, минг сўм;

E_n – капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги коэффициенти

(қишлоқ хўжалиги учун =0,07–0,15)



$$P_1 = 4930,99 \text{ минг сўм} + 59000 \text{ минг сўм} \times 0,15 = 13780,99 \text{ минг сўм.}$$

$$P_2 = 5136,65 \text{ минг сўм} + 61000 \text{ минг сўм} \times 0,15 = 14286,65 \text{ минг сўм.}$$

Биринчи ечим иккинчи ечимга нисбатан 505,66 минг сўм кам экан шу сабабли ҳам биринчи ечимни асосий ечим сифатида қабул қиламиз.

2.2 Алмашлаб экиш тизимини аниқлаш.



Алмашлаб экиш майдонлари турлари ва сони фермер хўжалигининг асосий йўналишига боғлиқ ҳолда хўжаликнинг асосий йўналиши деҳқончилик ёрдамчи тармоқ сифатида чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Алмашлаб экиш тизимини жорий этишда хўжаликнинг тупроқ ва иқлим шароитларига, рельефига, ер майдонининг ихчамлигига, унинг табиий ва сунъий тўсиқлар билан бўлақларга



бўлинишига ҳамда фермер хўжалигининг жойлашган ҳудуд учун илмий муассасалар томонидан қилинган тавсияга қараб аниқланади.

Республикамизда дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда ялпи дон ҳосилини купайтириш учун алмашлаб экиш схемасини тўғри танлаш ва уларни жорий қилиш (узлаштириш)нинг аҳамияти муҳимдир. Алмашлаб экиш умуман деҳдончиликни юксалтиришда муҳим агротехника тадбирларидан бири ҳисобланади, Чунки, алмашлаб экиш усули қўлланилган фермер хўжаликларида дала ишларини уз муддатида сифатли утказиш учун шароит яратилади, шу билан бирга мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан унумли фойдаланилади ва янги иш ўринлари ташкил этилади..

Бир вақтлар республиканинг барча хўжаликларида ерлар алмашлаб экиш талабига асосан карталарга булиб чиқилган эди. Бироқ, кейинчалик далаларнинг чегаралари (марзалар) бузилиб кетди, экинларнинг навбати билан экилишига риоя қилинмай қуйилди. Ҳозирги вақтда лалмикор ерларда сурункасига бир неча йил дон экишдек (монокультура) кам самарали усул давом этиб келмоқда. Бу усул биринчидан далаларни ут босиб кетишига, қишлоқ хўжалик зараркуиандалари кенг тарқалишига, маҳсулотнинг қимматга тушишига, ҳосилдорликнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Бундай ерларда ҳосилдорлик купинча об-ҳавонинг, айниқса, баҳорги-ёзги ёгин-сочиннинг миқдorigа боғлиқ булади. Ваҳоланки, айим вақтда барча агротехника тадбирларига, биринчи навбатда алмашлаб экишга риоя қилинганда ҳатто қурғоқчиллик йилларини ҳам дурустгина ҳосил олиш мумкинлиги илмий тадқиқотлар ва илгор фермер хўжаликлар тажрибасига тула исботлашга. Мазкур маълумотларга караганда, Ўзбекистоннинг лалмикор зоналари учун алмашлаб экишнинг тоза шудгор ва шудгор — хашаки экинли схемаларини жуда мос келади. Бунда тоза шудгорнинг салмоғи нисбатан анча купроқ булиши керак, албатта. Бироқ; алмашлаб экишнинг жорий



килинмаётганлиги, бинобарин сурункасига дон экинлари экилган республикада тоза шудгор (дам берилган ерлар)нинг кескин камайиб кетишига сабаб булди.


Тоза шудгорнинг ҳар гектарида уруф ЭКИШ вақтида сурункасига дон экилган ерларга нисбатан 600—800 кубометр ва уйдан ҳам ортиқроқ нам сақланади, бу қурғоқчиликка қарши курашда муҳим омил ҳисобланади. Тоза шудгор қилинган ерларда тупроқнинг унумдорлиги ортади.

Тоза шудгорда усимлик узлаштира оладиган озик моддалар кўп тупланади, демак, ўсимликнинг озикланиши ҳамда доннинг сифати яхшиланади, тоза шудгордан олинган дон таркибида оксил 1,5—2 % кўпаяди.

Бундан ташқари тоза шудгор бегона ўтларга қарши курашда асосий омил ҳисобланади. Ерни шудгорлаб ёзда ер бетидаги пушти какра, янтоқ сингари куп йиллик бегона ўтлар уқтин-уқтин йукотиб турилади. Дон экилгандан кейин эса куп йиллик бегона ўтларга қарши курашиб булмайди. Бир йиллик эфемер бегона ўтларни йукотишда ҳам тоза шудгорнинг аҳамияти катта. Чунки, тоза шудгор қилиб дам берилган ерлар эрта баҳорда ҳайдалади, бу вақтда бир йиллик ўтлар урути униб ер бетига чиққан булади ва ҳайдаш натижасида у йуқ булиб кетади.

Мана шу афзалликлари туфайли об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар, тоза шудгор ҳосилдорликни анча оширишга имкон беради. Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институтининг марказий тажриба базасида 14 йиллик ўртача бурғой ҳосили тоза шудгорга экилганда гектарига—10,7 ц ни ташкил этди, ангизга (сурункасига бугдой) экилганда эса 6 ц дан ошмади.

Об-ҳаво қурғоқчил келган йиллари тоза шудгорнинг аҳамияти яна ҳам ортади. Бинобарин, тоза шудгорлардан ангизга қараганда икки барабар ва ундан ҳам ортиқ ҳосил олинади.





Тоза шудгорга икки марта кетма-кет дон экилганца ҳам тупрокда кула сув ҳамда озиқ режими сақланади. Бинобарин, ҳосил ангиздагига қараганда 15—40 % ортиқ бўлади. Ана шуларни ҳаммасини ҳисобга олганда, лалмикор ерларда тоза шудгор иқтисодий жihatдан ўзини тўла оқлайди, деб яна бир марта таъкидлаш керак.

Алмашлаб экиш схемасида тоза шудгор бурдой экилгунича асосан нухат ва полиз экинлари билан банд булиши керак. Чунки, бу экинлардан қулай шароитда анча юқори, барқарор ҳосил олинади, шу билан бирга узидан кейин экиладиган бошоқли дон экинлари учун яхши утмишдош була олади. Бироқ, тоза шудгорга экиладиган мазкур экинлар сувга анча талабчан ва у ерлар куп йиллик бегона утлардан тоза булиши керак, шунинг учун ҳам уларнинг ҳосили йиллар давомида кескин ўзгариб туради. Лалмикор ерлар шароитида банд шудгор унчалик катта майдонни эгалламайди, бинобарин алмашлаб экиш схемасига кўра дам бериладиган далалар асосан эрта баҳорда шудгорлаб қуйилиши керак.

Лалмикор ерларнинг маълум қисмини бедапоялар банд қилиши зарур. Лалмикор ерларга экилган бедадан фақатгина мул пичан етиштирибгина қолмасдан, балки шу билан бирга бу ерлар суғориладиган ерлар учун беда уруғ ҳам етиштириб берадиган резерв бўла олади. Шуингдек, беда тупрок унумдорлигини тиклашда тенги йуқ қимматли экин эканлиги маълум. Бедадан аввало тоғлик, тоғ олди ва текислик ҳамда адрлик зонанинг ясси қисмида мўл ҳосил олинади. Серёгин йиллари эса бедапоядан тоза шудгорга нисбатан ортиқ ҳосил олинди. Шунини таъкидлаб утиш керакки, ТОҒЛИК зонада бедапоядан кўп ҳолларда тоза шудгорга нисбатан юқори ғалла ҳосили билан бир қаторда, бедапоя бузилгунича мўл пичан ва беда уруғи ҳам олинади.

Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институтида лалмикор ерлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қўйидагича алмашлаб экиш схемаларини жорий қилиш тавсия этилади:

1) Ёғиғарчилик бўлмайдиган текислик зонада беш далали тоза шудгорли алмашлаб экиш схемаси қўлланилади. Бунда икки дала тоза



шудгор, уч далага дон экинлари экилади, яъни тоза шудгор + ғалла ғалла+тоза шудгор +ғалла бўлади.



2. Ёгин-сочин кам тушадиган текислик-адрлик зонада беш ёки олти далали тоза шудгорли чопик талаб экинли ҳамда алмашлаб экиш схемасига янги киритиладиган дала (бедапоя)ли схема. Бу ерлар беда алмашлаб экиш схемасига киритилмайди, балки сурункасига ғалла экилиб унумдорлиги паст бўлган далага беда экилади, у қаригач, ҳайдалади, бузилган бедапоя шундан кейин алмашлаб экиш схемасига киритилади. Бинобарин бундай схема: шудгор + ғалла + ғалла + чопик талаб экин + ғалла, ёки шудгор + ғалла + ғалла + чопик талаб экин+ғалла-галладан иборат булади.

3. Ёгин-сочин тушадиган тоғ олди ва тоғлик зонада: олти далали чопик талаб экинли ва алмашлаб экиш ротацияси бузилган йили бедапояга экин экиладиган схема. Бунда ҳам схема юқоридагидек: шудгор + ғалла + ғалла + чопик талаб экин + ғалла + ғалла билан банд бўлади. Келтирилган алмашлаб экиш схемалари, албатта тахминий. У ёки бу схемани танлаш ва жорий қилнш вақтида хўжаликнинг табиий иқтисодий шароити, унинг ихтисослашганлиги, деҳқончилик маданиятининг умумий ҳолати, далаларнинг ут босганлиги ва ҳоказолар ҳисобга олиниши керак.

Бугдой экилгунча ёзда хашакбоп экин етиштириш учун, албатта, кўп йиллик бегона ўтлардан тоза далалар ажратилиши, шунингдек, хашаки экиннинг иқтисодий самарадорлиги асосий меъзон бўлиши керак. Тоза шудгор катта майдонни ташқил этадиган алмашлаб экиш схемалари, энг аввало, етарли намланмайдиган, унумдор қатлами ювилиб кетган ва жуда ўт босган участкаларда жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Тоғ лалмикор ерлари шароитида нўхат ва кузги бугдой алмашлаб экиш тизими сўнги йилларда яхши самара бермоқда.

Алмашлаб экиш майдонлари бўйича илмий асосланган тавсияларга асосланган ҳолада, аниқланган алмашлаб экиш турлари ва майдонлари 19-жадвалга ёзилади.

19-жадвал



Алмашлаб экиш турлари сони ва майдони.

№	Алмашлаб экиш				Экин турлари, га				
	Тури	Майдони га	Схемаси (таркиби)	Даланинг ўртача майдони га	нухат	ғалла	Тоза шудгор	зигир	Беда
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1-ечим									
1	Т-Н-Д-З	79.2	1:2:2:1	13,2	26.4	26.4	13.2	13.2	
2	Б-Д	16.0	1:1	8,0		8.0			8.0
	Жами:			21,2	26.4	34.4	13.2	13.2	8.0
2-ечим									
1	Т-Н-Д-З	78,7	1:2:2:1	13.1	26.2	26,2	13.1	13.1	
2	Б-Д	16.0	1:1	8,0		8,0			8.0
					26.2	34,2	13.1	13.1	8.0



2.3 Алмашлаб экиш майдонларини жойлаштиришнинг иқтисодий

асослаш.

Алмашлаб экиш майдонларини жойлаштиришни иқтисодий асослашда ҳам ўзлаштириладиган ерларнинг аниқ майдонлари, қурилиши зарур инженерлик иншоотларининг ҳажми аниқ бўлмагани учун фақат йиллик харажатлардан фойдаланиш мумкин.

20-жадвал

Алмашлаб экиш майдонлари	Алмашлаб экиш таркиби	Майдони, га	Массив марказларидан узоқлиги, км	Ихчамлик
			ўртача масофа	Ер бўлаклари сони
1	2	3	5	6
1-ечим				
Т-Н-Д-З	1:2:2:1	79.2	0.9	1
Б-Д	1:1	16.0	0.5	1
2-ечим				
Т-Н-Д-Б	1:2:2:1	78,7	1.0	1
Б-Д	1:1	16.0	0.5	1



21-жадвал

Ер турлари ва алмашлаб экиш майдонлари тупроғи тавсифи.



Алмашлаб экиш майдонлари	Майдони, га	Тупроқ турлари, га			Тупроқнинг шўрланиш даражаси, га		
		Тўқ тусли бўз тупроқ	Типик бўз	оч жигарранг тупроқлар	шўрланмаган	ўртача шўрланган	Кучли шўрланган
1	2	3	4	5	6	7	8
1-ечим							
Т-Н-Д-3	97.2		97.2		97.2		
Б-Д	16.0		16.0		16.0		
2-ечим							
Т-Н-Д-3	78,7		78,7		143		
Б-Д	16.0		16.0				

Бир гектарга тўғри келадиган юк миқдори ҳамма алмашлаб экиш майдонлари бўйича аниқланади, кейин ечимлар бўйича юкларни ташиш бўйича қилинадиган транспорт харажатлари аниқланади ва натижаси жадвалга ёзилади.

22-жадвал

Лойиҳа ечимлари бўйича юкларни ташиш учун қилинадиган харажатлар миқдори

Ер турлари ва алмашлаб экиш майдонлари	Алмашлаб экиш		1 га ерга тўғри келадиган юк, т	Юкнинг умумий миқдори, т (3x4)	Ўртача масофа км	1 т/км хаки сўм	Юкларни ташиш харажатлари, минг сўм 5x6x7/1000
	Таркиби (схемаси)	Майдони, га					
1	2	3	4	5	6	7	8
1-ечим							
Т-Н-Д-Б	1:2:2:1	79.2	17.2	1362,24	0.9	500	613
Б-Д	1:1	16.0	20.4	326,4	0.5	500	8,16
жами							621,16
2-ечим							
Т-Н-Д-Б	1:2:2:1	78.7	17.2	1353,64	1.0	500	676,82
Б-Д	1:1	16.0	20.4	326,4	0.5	500	8,16
жами							684,98



Транспорт харажатлари (ечимлар бўйича)


Транспорт харажатлари тури	Транспорт харажатлари миқдори	
	1-ечим	2-ечим
Юкларни ташиш	621,16	684,98
Жами:	621,16	684,98

2.4 Дала шийпонларини жойлаштириш

Дала шийпонларини жойлаштириш уларнинг сонини аниқлашдан бошланади. Уларнинг сони ишлаб чиқариш бригадалари ва алмашлаб экиш майдонлари сонига, жойлашувига ва майдонига боғлиқ. Алмашлаб экиш майдони ҳудудида бита бригада ташкил этиш кўзда тутилса, унинг учун дала шийпони жойлаштириш керак. Агар алмашлаб экиш майдони ҳудудида бир неча бригада жойлаштирилса, улар учун битта умумий дала шийпони қуриш яхши иқтисодий самара беради. Бунда дала шийпонини қуриш ва ободонлаштириш учун қилинадиган харажатлар ҳамда хизматчилар сони камаяди ва бригада аъзоларига юқори савияда маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Дала шийпонларини улар хизмат қиладиган ҳудуд марказида, катта ариқ бўйида ва уни қишлоқлар, бошқа бригадалар, маҳсулотлар топшириладиган жойлар билан боғловчи асосий йўл ёқасида жойлаштириш керак. Дала шийпонларини жойлаштириш учун танланган жой ерлар санитария-гигиена ва қурилиш талабларига жавоб бериши керак.

Бригадаларда дала шийпонларини жойлаштириш мақсадга мувофиқлигини иқтисодий асослаш учун одамларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш, қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда транспорт воситаларининг қатнаши учун кетадиган харажатларни аниқлаш керак. Шу билан бир қаторда қурилиш учун сарфланадиган маблағ миқдори ва йиллик харажатлар (амортизация ажратмаси, дала шийпонидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар) аниқланади. Кейин ечимлар бўйича келтирилган харажатлар аниқланади. Ечимлар бўйича топилган келтирилган харажатлар миқдорини таққослаш орқали дала шийпонини жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи ҳал қилинади.



Қишлоқларга яқин жойлашган пахтачилик хўжаликларидан бригадаларда

дала шийпонлари ўрнига хирмонларни лойиҳалаш мумкин. Улар таркибидаги керакли майда асбоб-ускуналарни ва маъданли ўғитларни сақлаш учун бинолар, пахтани тўплаш ва қуриштириш учун махсус майдончалар қиради. Хирмонларга далалардан кун бўйи терилган пахталар олиб келинади ва шу ерда улар пахта тозалаш корхоналарига юбориш учун тайёрланади.

Бригада дала шийпонларини жойлаштириш учун 0,5 – 0,6 га ер ажратилди. Дала шийпонлари майдонлари 9 иловада келтирилган жадвалга туширилади.



2.5 Фермер хўжалигида қарашли яйловлар ҳудудини ташкил этиш, чорвачиликни ривожлантириш ва структурасини белгилаш

Яйловлар ҳудудини ташкил этиш қуйидагилардан иборат бўлади:

- яйловларни чорвачилик фермаларига, мажмуаларига бириктиришдан;
- яйлов алмашишларни ташкил этишдан;

-пода ва ўтарлар участкаларини, навбат билан қамаб боқиладиган участкаларни, ёзги лагерларни, сув манбааларини ва суғориш жойларини, моллар ҳайдаладиган йўлларни жойлаштиришдан.

Яйловлар ҳудудини ташкил этиш масалалари ҳар хил минтақаларнинг, туманларнинг, яйлов турларининг аниқ табиий ва иқтисодий шароитларини, уларнинг рельеф бўйича жойлашишини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда ечилади. Бунда асосий талаблар қуйидагилар ҳисобланади: пода участкаларининг ўт қопламаси сифатининг ҳар хил турдаги ва ёшдаги молларнинг биологик хусусиятларига мос келиши, молларнинг узоққа ҳайдалишига йўл қўймаслик ва алмашлаб экишларда яшил озуқа ишлаб чиқариш жойларини яйлов даврида моллар уларни истеъмол қиладиган жойларга яқинлатиш.



Яйловлар билан етарлик даражада таъминланмаганликда юқорид келтирилган ифодага яйловлар билан таъминланиш коэффициенти киритилади, у мавжуд яйлов майдонининг ҳисобланган майдонига нисбатига тенг. Бир бош молнинг бир кеча-кундуздаги яшил озуқага бўлган талаби қуйидагиларни ташкил этади: сигирлар ва ғунажинлар чўл минтақалари учун - 45-55 кг; бир ёшдан катта бўлган қорамол бузоқлари, чўл минтақалари учун - 25-30 кг; бир ёшгача бўлган бузоқлар, барча минтақалар учун - 15 кг. Яйлов даврининг узунлиги табиий минтақаларга боғлиқ бўлади ва 135-250 кунни ташкил этади.



Лалмикор ерлар шароитида ўтларнинг қайта тикланиш даври яйловлар турига, ўт қопламаси типига, намланиш шароитига ва яйлов мавсуми ойига (ёки циклига) боғлиқ ҳолда 18-20 кундан 30-35 кун орасида, айрим пайтларда 40 кунгача ҳам ўзгариб туради. Хўжалик яйловлар билан тўла таъминланмаганда, одатда, ҳисоблашлар учун ўтларнинг энг интенсив ўсадиган даври қабул қилинади. Яшил озуқалардаги камчиликни яшил конвейер экинлари ҳисобига қоплаш, уларнинг ортиқчаларидан эса силос, пичан, бошқа турдаги моллар учун яшил озуқа ва ш.ў. фойдаланиш режалаштирилади. Яйловлар билан етарлик даражада таъминланган хўжалик ва фермаларда (аввало суғориладиган маданий) ҳисоблашларда ўтлар ўсишининг ўртача даврини (24-26 кун) қабул қилиш мумкин.

Битта майдонда молларни боқиш даври узунлиги маданий яйловларда 1-3 кундан ва табиий, яхшиланган яйловларда 4-6 кундан ошмаслиги керак. Агар ўтларнинг қайта тикланиш даври узунлиги 27 кун, бир қамаб боқиладиган майдонда, бир ўтлатиш циклида молларни боқиш - 3 кун, яйловалмашиш тартибида пичан ўриш, дам бериш ёки ўт қопламасини янгилаш учун ажратиладиган қамаб боқиладиган майдонлар сони 2 бўлса

$$K=(27+3):3+2=12$$

қамаб боқиладиган майдонга тенг бўлади.

Сув манбааларини жойлаштиришда ишлаб чиқариш ва бошқа заруратлар учун бутун яйлов даврида сув истеъмол қилиш меъёрларига мос тарзда



бир кеча-кундуз ҳисобига зарур сув миқдори белгиланади. Яйлобда сақланганда молларнинг сув истеъмол қилиш меъёрлари қуйидагидек (1 бошга бир кеча-кундузда, л):

-Қорамоллар:

-сигирлар - 60-70

-1 ёшдан катта бузоқлар - 35-40

-1 ёшгача бўлган бузоқлар - 15-20

-катта буқалар - 50-60

-Қўйлар:

-катталари - 5-6

-ёшлари - 3-4

-Отлар:

-катталари - 50-60



-ёшлари - 30-40

Сувларнинг зарур миқдори, ёзги лагерларнинг жойла-шиши, ҳар хил турдаги молларни ҳайдаш масофалари, ин-шоотлар баҳоси тўғрисидаги маълумотларга асосан лойиҳа-ланаётган сув манбааларининг сони ва турлари белгиланади.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами, ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисоблаганда: Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерлардан – камида 0,30 гектардан, Қорақолпоғистон республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ерларда – камида 0,45 гектардан, суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдалма ерлардан камида 2 гектардан ер ажратиш лозимлиги қонун ҳужжатларида белгиланган. Шу сабабли ҳам истиқболдаги қора моллар сонини қуйидагича аниқлаймиз.

$$Д = \frac{P\phi * E}{100}$$

Бу ерда Рф-фермер хўжалигини келажакдаги фойдаланаётган ер майдони. Га



Е-Хар 100 гектарга туғри келадиган қора моллар сони, (35-40)

Фермер хўжалигида фойдаланаётган ер майдони 95.2 гектар ер майдони мавжуд. Шу сабабли

$$D = \frac{P\phi * E}{100} = 48 \text{ бош.}$$

Хўжаликда қабул қилинган қорамоллар таркибини қуйидаги жадвални тўлдириш орқали аниқлаймиз.

24-жадвал

Хўжаликда қабул қилинган қорамоллар таркиби

№	Қорамоллар гуруҳлари	Умумий бош сони сонига нисбатан, %	сони
1	Сигирлар	90	42
2	Буқалар	0.1	1
3	Ғунажинлар	1.0	1
4	Бир ёшдан катта бўлган бузоқлар	8.9	4.0
	жами	100	48



Лойиҳа бўйича 48 та қорамолга зарур бўлган озиқа миқдорини аниқлашимиз зарур.

25-жадвал

Қора молларни ем-хашакга бўлган талаб

№	курсаткичлар	Бош сони	Дағал хашак		Ширали озуқа		Туйимли озуқа	
			Бир бошга, ц	Жами, т	Бир бошга, ц	Жами, т	Бир бошга, ц	Жами, т
1	Лойиҳавий қорамоллар	48	35.4	169,92	42	201.6	6.0	28.8
	жами	48	35.4	169,92	42	201.6	6.0	28.8

Жадвалдан кўришиб турибдики, дағал хашак 169.92 тонна, ширали озуқа 201.6 тонна ва туйимли озуқа 28.8 тонна чора моллари учун зарур.



2.6. Ер тузиш ишларини бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

2.6.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг диққат марказига қўйилган мақсад бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва ғавқулдда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олган. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги принцип ва усуллар асосида: бахтсиз, ҳодисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган фандир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ҳаёт фаолияти хавсизлиги меҳнат муҳофазаси ва фуқаро муҳофазасига қараганда кенг ва универсалдир, яъни улар аниқ вазиятларда хавфсизликни таъминлашнинг қисман ҳолатларини ўрганади. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани фан ва техника ривожланишининг мантиқий асосида вужудга келди.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчасида кўп учрайдиган таърифлар билан белгиланади.


Фаолият – инсоннинг жамиятда мавжуд бўлиши учун керакли шароит.

Меҳнат – фаолиятнинг юқори шакли. Файласуфларнинг фикрича, инсоннинг таърифи-ҳаракатдаги, меҳнатдаги фаолиятидир.

Меҳнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб, улар ҳаётда учрайдиган ақлий, маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Хавфсизлик – бу айрим эҳтимолларга асосланиб пайдо бўладиган хавф-хатарларни иқисно этилган фаолият ҳолатидир.

Шунинг билан биргаликда Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган учта асосий вазифани ечади:



-хавфларни идентификациялаш, яхни хавфларнинг софлиги, характеристикаси ва келиб чиқиш нуқталарини кўрсатган ҳолда уларнинг қиёфасини билиш;


-фойда ва харажатни таққослаш асосида хавфлардан ҳимояланиш;

-мумкин бўлган салбий хавфларни (қолган хавф-хатар концепциясидан келиб чиққан ҳолда) бартараф қилиш.

Меҳнат муҳофазаси борасида илмий тадқиқот ишларини меҳнатни муҳофаза қилиш институти ва олий ўқув юртларининг “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедралари, кўплаб тиббиёт илмий-тадқиқот ташкилотларида олиб борилади. Одатда барча стандарт ва техник талабларга “Хавфсизлик техникаси” талаблари киритилади.

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси кўплаб қонун чиқарувчи расмий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлиб, тартибга солиб ва бошқариб турилади. Ўзбекистон Республикаси конституциясида, меҳнат тўғрисидаги қонунларда меҳнат муҳофазасига оид асосий низомлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни башоратлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунлар босқичма-босқич қабул қилинди. Фуқаро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган қонун аҳолини ва ҳудудларни турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари,



халокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги қарорига 8 кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген фавқулодда вазиятлар, табиий халокатлар, экологик халокатлар. Аҳоли ва ҳудудни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш;
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайтириш;
3. Фавқулодда вазиятларни енгиллаштириш ва шароитни баҳолаш;
4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишни тайёрлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:


1. Аҳолини барча қатламлар мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача ҳар бир киши яшаб, ишлаб, ўқиб турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак;

2. Ҳар бир киши эҳтимоли туғилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак;

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак;

4. Ҳар бир киши биринчи ёрдам беришни билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқаро муҳофазасида муҳандислик-техникавий тадбирлар меъёрларининг талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик





объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлганда зоналарда қутқариш ишларини амалга ошириш учун зарур шароит яратиши. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талаблар ҳамда вазирликлар, идоралар, Давлат қўмиталари, “Ўздавлатархитектурақурилиш” Давлат қўмитаси, Микроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массиви ҳудудида фермер хўжаликларида фавқулодда вазиятлардан сел келиши, ёнғин хавфсизлиги, zilзила бўлиш хавфлари камроқ.

2.6.2. Ер тузишда ҳаёт фаолияти хавсизлиги

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ер тузиш ишларининг аҳамияти жуда катта. Бу соҳада янги хўжалик корхоналарини ташкил қилиш, эскиларини такомиллаштириш ва уларнинг ер майдонларини ташкил қилиш ишлари илмий асосланган лойиҳалар тузишни тақозо этади. Ушбу ер тузиш лойиҳаларини тузиш тайёргарлик ишлари, яъни дала шароитида ва камерал тарзда амалга оширилади. Ер тузишда қурилиш ва инженер-геодезик ишларини махсус хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилса, иш жараёни вақтида юзага келадиган барча бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Қуйидаги жадвалда ер тузишда қурилиш ва инженер-геодезик ишларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабабли юз берган бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичи фоиз ҳисобида келтирилган.



Ер тузишда қурилиш ва инженер-геодезик ишларида юз берадиган бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичи


№	Иш турлари	Бахтсиз ҳодисалар, %	Оғирлик даражаси бўйича		
			Енгил	Оғир	Ўлим билан тугаш ҳолатлари
1	Дала шароитида топография-геодезия ишлари	62.5	74.3	7.3	18.4
2	Ёрдамчи ишлар	29.3	96.6	2.4	1.0
3	Цех ва лабораторияларда камерал ишларни бажариш	8.2	100	-	-
Жами		100	270.9	9.7	19.4

жадвалдан кўриниб турибдики, дала шароитида топография-геодезия ишларида 62.5 %, ёрдамчи ишларда 29.3 %, цех ва лабораторияларда камерал ишларда эса 8.2 % бахтсиз ҳодисалар юз берар экан. Биргина дала шароитида топография-геодезия ишларида бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг ўлим билан тугаш ҳолатлари 18.4 % ни ташкил этмоқда.

Шунинг учун мутахассиснинг иш жойи хавфли зонадан ташқарида сақланиши керак.

Юқоридаги жалвалда келтирилган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак бўлади:

1. Темир йўл раҳбариятидан рухсат олинади;
2. Поездлар қатнови жадвали олинади;
3. Барча ишчилар инструктаждан ўтадилар;
4. Ишчилар огоҳлантирувчи қизғиш-сарик кийим кийишлари керак;
5. Қўл асбобларини йўл четига қўйиш;
6. Йўлда юрганда автомобил қатновига қарама-қарши юриш;
7. Йўл устида иш олиб борганда иш жойидан ҳар томондан 120-180 м масофада огоҳлантирувчи белги “бошқа турдаги ҳарфлар” қўйилади;
8. Иш жойининг атрофида қизил рангдаги атрофини ўраб турувчи химоя мосламаси қўйилади;



9. Йўлнинг ҳар иккала турида ҳам кучли шамол, туман ва ёмғирда, яшил хавфида, йўл музлаганда ишлаш таъқиқланади;

10. Ишга қабул қилиш даврида кўзи ва қулоғи ожиз кишиларни, хушидан кетиб қолувчиларни йўлларда ишлашга рухсат берилмайди.

Ундан ташқари ер тузиш ишларида йўл ва кўприк қуриш ҳамда аҳоли яшаш пунктларида ишлаш жараёнларида ҳам хавсизлик қоидаларига риоя этиш зарур.

Йўл қурилишидаги геодезик ўлчовларни олиб боришда, карерда, тош майдаловчи ускунада, портлаш ишлари олиб борувчи районларда, электроэнергетика иншоотлари қурилиш зоналарида иш бажаришда эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш керак.

Қурилиш майдонининг бош плани тузилганида хавфсиз иш бажаришнинг ҳамма шароитлари кўзда тутилади. Айниқса, хавфли зоналарни ишлаш, битта қурилиш майдонида бир неча ташкилотнинг ҳамкорликда ишлаши, техниканинг тўпланиш жараёнларига катта эътибор берилади.

Хавфли ишларга қуйидагилар киради:

- чуқур траншея ва котлованлар билан боғлиқ ишлар;
- портлаш ишлари;
- катта баландликдаги монтаж ишлари;
- оғир конструкция ва ускуналарни ташиш ва монтаж ишлари ва х.к.

Аҳоли яшаш жойларида қурилиш майдони 2 м баландликдаги девор билан тўсилади.


Қурилиш майдонининг ҳамма жойида қуйидагилар кўзда тутилади:

-ўтиш ва транспорт юриш йўлларининг хавфсиз эни (йўлакча-0.8 м, транспорт йўли 2.5 м);

-ариқчалар, траншеялар, вақтинчалик сув тармоғи кабилар устидан кўприкчалар;

-маиший-санитария бинолари;

-ўтиш юриш жойларида белгилар -кўрсаткичлар;



-йўлакчалар қиялиги 20_о дан ошганда зинапоя ёки қўл билан тутиб юриш мосламаси;



-чоррахаларни сигнализация (ёруғлик-светофор) билан тахминлаш, темир йўл чоррахасини шлагбаум билан уларни кечки пайт ёритиши.

2.7 Электрон хариталарни тузиш мақсади ва вазифалари

Электрон хариталар инсон ҳўжалик фаолиятининг турли қатламларида мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш учун қулай кўринишда тақдим этишга мўлжалланган. Электрон хариталарни ўрганиш бундан 30 йил аввал вужудга келган бўлсада, лекин унинг асосий ривожланиш босқичи сўнгги 7-8 йилга тўғри келди. Бунга сабаб геодезик маълумотлар негизидаги барча ишлар жараёнини автоматлашган тарзда лойихалашнинг технологик ва гоёвий жихатдан ташкил этилганлигидир.

Электрон хариталарнинг маълумот жихатлари ривожланишда дастурлашга нисбатан бирмунча ортида қолаётган бўлсада, лекин умум аҳамиятли географиянинг имкониятларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Электрон хариталарни ишлаб чиқишнинг асосий мақсади- замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган тизимларни яратишдан иборат (Булатова, Трафимов, Панасюк, 1997). Геодезик тадқиқотлар учун электрон хариталар - бу мукамал йўл-йўриқ кўрсатувчи воситадир. У ишнинг самарадорлигини бир неча бор оширади. Электрон хариталар мавжуд ахборотлардан воқеа ва ходисалар жойини акс этган ҳолда, киши онгида яққол тасаввурни намоён қила оладиган янги гоёларнинг махсулидир. Киши воқеа ва ходисалар тўғрисидаги ахборотларни тўла кўра олса, тасаввур эта олса, ўша ахборотлардан илмий тадқиқотларда, ишлаб чиқаришни бошқаришда фойдаланишидан қатъий назар унинг моҳияти жуда катта бўлади. Турли кўринишдаги фаолият ва манбаларни тушиниш, бошқариш қанчалик долзарб бўлмасин, унда электрон хариталарнинг ўзаро алоқаси таъминланмаса, бу масала ҳал этилмасдан долзарблигича қолиб кетади.

Электрон рақамли харита – бу жойнинг белгиланган масштабда тегишли хариталар мазмуни ва аниқлиги бўйича баландлик ҳамда координаталар




тизими, хариталар учун қабул қилинган проекцияларнинг картографи генерализациянинг қонунларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган белгиланган структура ва кодларда машина ташувчисига ёзилган рақамли моделидир.

Электрон хариталардан фойдаланиш вилоят, туман ва массив ерларининг чегараларини, ер участкалари кадастр рақамларини аниқ шакллантириш, ерларни категориялар бўйича тақсимланиши, ерлардан мақсадли фойдаланиш, ер назорати ишларини автоматлаштириш, ер мониторинги ва ер балансини юритишда ёрдам беради. Айнан ушбу услуб юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ишларини амалга оширишда ҳам қўллаш мумкин.

Кўчмас мулкларни шакллантириш қонуниятларини аниқлаш, ўрганиш ва белгилаш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида уларга таъсир этувчи омиллар, оптималлаштириш шартлари ўз аксини топган. Ҳозирги кунда компьютер технологиялари, электрон ҳисоблаш машина (ЭХМ)лари инсон хўжалик фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бундай технологияларни амалиётга жорий қилмай туриб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Яхши лойихаланган электрон харита:

- турли мазмундаги ва тарқоқ ахборотларни бир тизимга бирлаштиради, геодезик маълумотларни таҳлил қилиш учун келишилган тизимни яратади;
- харита ва бошқа мавжуд ахборот манбаларини рақамли кўринишга ўтказиш билан геодезик билим ва тасаввурларни янги қизиқарли йўналишларини вужудга келтиради;
- геодезик ёндошувга асосланганлик натижасида турли воқеа, жараён ва ходисалар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлайди;



- маъмурий таснифдаги (хусусий мулкчиликка эгалик қилиш, солиқлар, маиший тизимлар тўғрисидаги) маълумотларга, уларнинг геодезик жойлашуви орқали ёндашишга имкон беради;


- маълумотлардан геодезик нуқтаи назардан фойдаланиш, уларни янгитдан аниқлаш ва тушиниш имконини беради.

Турли кўринишдаги фаолият ва манбаларни тушиниш, бошқариш қанчалик долзарб бўлмасин, унда электрон хариталарнинг ўзаро алоқаси таъминланмаса, бу масала хал этилмасдан долзарблигича қолиб кетади.

Демак, электрон рақамли харита – бу жойнинг белгиланган масштабда тегишли хариталар мазмуни ва аниқлиги бўйича баландлик ҳамда координаталар тизими, хариталар учун қабул қилинган проекцияларнинг картографик генерализациянинг қонунларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган белгиланган структура ва кодларда машина ташувчисида ёзилган рақамли моделидир.

Бу хаританинг масштабини бир зумда хоҳлаган масштабга ўзгартириш мумкин. Бунда генерализация жараёни автоматик ҳолда бажарилади. Бир вақтнинг ўзида бир неча операцияларни бажариш мумкин. Бир неча мавзудаги хариталарни кўриш мумкин. Харитадаги маълумотлар эскириб қолган бўлса, бу маълумотларни ўзгартириш жуда қулай ва осон. Ҳозирги кунда электрон рақамли хариталардан дунёнинг барча мамлакатларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Жумладан республикамизда ҳам бу турдаги хариталарни яратиш ва улардан кенг фойдаланиш ўтилди.

Электрон рақамли хариталар геоахборот тизимлари асосида яратилади, бу эса унинг янада самарали бўлишини таъминлайди. Ер кадастрида хариталар қандай аҳамиятга эга бўлса, геоахборот тизимларида ҳам шундай аҳамият касб этади. Хариталар бошлангич манба сифатида муҳим рол ўйнаса, якуний ҳосила сифатида ҳам маълумотларни тақдим этишнинг қулай формаси ҳисобланади.



Кейинги 10 йилликда электрон хариталар Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларида кенг фойдаланилмоқда. Осиё минтақаси ва МДХ давлатларида ҳам аста-секин янги Электрон харита махсулотлари бозори шаклланилмоқда. Республикамиз миқёсида ягона геоахборот тизимларини яратиш зарурияти аллақачон тугилган эди. Бунда турли автоматлашган бошқарув, усуллар, алгоритмлар, дастурлар ва технологияларни мавзули харита ва бошқа маълумотларни рақамли, ёки электрон кўринишига келтириш билан боглиқ бўлган масалалар ечимига эътибор қаратиш устивор йўналиш деб олинган. Электрон хариталар инфратузилмаси охириги пайтларда яратилаётган рақамли хариталарни ишлаб чиқишга асосланади.



Электрон хариталарни яратиш жараёнида дала ва камерал шароитдаги ишлар амалга оширилади. Дала шароитида геодезия ишлари ва электрон хариталарни яратиш учун кўплаб хорижий фирма ва компанияларнинг махсус воситаларидан фойдаланилади. Ер кадастри электрон хариталарида республикамиз шароитига мос келадиган АҚШнинг Magellan Ashtek фирмасининг SOKKIA SET 500 электрон тахеометрлари ва унга ёрдамчи NOTEBOOK P IV компьютерлари энг қулай восита ҳисобланади.

NOTEBOOK P IV компьютерлари улкан хотирага эга бўлиб, кадастр сўёмкаси натижаларини бир вақтнинг ўзида даладан сунъий йўлдошлар орқали камерал шароитдаги компьютерларга узатиш имкониятига эга. Бу эса ишнинг тез, аниқ ва самарали бўлишини таъминлайди.

Хозирда маҳаллий «DeltaEr, «Oasis» дастурлари (ижодкор А.Мантров «МАГК») ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Лекин, бу дастурларда соҳа учун қулай бўлсада республика давлат кадастрлари ягона тизими дастурларига номутаносибдир. Бунинг олдини олиш ва ягона дастурларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Туман хўжаликларининг электрон рақамли кадастр хариталарини геоахборот технологиялари асосида яратиш босқичлари қуйидагича олиб борилади:

1. Тайёргарлик ишлари босқичи



а) картографик манбаларни ўрганиш;
б) ердан фойдаланиш маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш; в) ернинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш;

г) ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий маълумотларни тўплаш ва ўрганиш.

2. Маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш босқичи

а) рақамли хариталар яратиш;

б) ер тўғрисидаги умумий маълумотлар банкини яратиш;

в) маълумотларни расмийлаштириш.

3. Ахборот тизимларини барпо этиш босқичи

а) тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва рақамли тарзда сақлаш;

б) ахборотни ҳисобот кўринишида давлат бошқаруви органларига тақдим этиш;

в) ахборот ва расмий ҳужжатларни истеъмолчиларга тарқатиш.

Рақамли хариталарни яратишнинг ўзи бир неча мураккаб босқичлардан таркиб топади:

1. Маълумот (фотоплан) ларни танлаш

2. Маълумот (фотоплан) ларни сканер ёрдамида компьютер хотирасига киритиш.

3. Растрни тозалаш ва қайта ишлаш.

4. Растрни бурчаклари бўйича ориентирлаш.

5. Хатоликларни текшириш.

6. Векторизация қилиш.

7. Чизиқли объектларни майдонли ҳолатга келтириш.


8. Фотопланларни тикиб хўжалик хариталарини яратиш.

9. Контурлар бўйича ер майдонларини ҳисоблаш.

10. Хўжаликлар хариталарини жихозлаш ва нашрга тайёрлаш.

11. Хариталарни нашр қилиш.

Туман харитасини яратиш технологияси асосан юқоридагилардан таркиб топади. Бу харитада тасвирланган хар объект тўғрисидаги маълумотларни



киритиш мумкин (масалан, бирор ариқ бўлса, унинг номи, жойлашаган ўрин, бошланиш ва қуйилиш нуқталари, нима мақсадларда фойдаланиши, суви хусусияти ва бошқалар киритилади). Бу билан геахборот тизимларини яратишни таъминлашга эришилади ва ўз навбатида кадастр ишлари учун ҳам самарали маълумотлар банки яратилади. Туман ер кадастри хариталарини электрон рақамли кўринишда яратишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборатдир.

Хариталар барча кадастр турлари учун зарурий маълумот манбаи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хариталарни замонавий ЭХМлар ёрдамида яратиш ҳамда геодезик ахборот тизимларни барпо этишдан барча соҳа вакиллари манфаатдордирлар. Геодезик ахборот тизимлар ёрдамида кадастр хариталари яратилганда вақт мобайнида ўзгарадиган маълумотларни киритиш харита материалларини янгилаш жараёнлари ҳам бир мунча аниқ, тез, ишончли ҳамда самарали тарзда амалга оширилади.


Бугунги кунда техниканинг тез ривожланиши муносабати билан электрон рақамли хариталар тобора ҳаётимизга кенг кириб келмоқда. Бу эса юқори сифат, қисқа вақт ва юқори самарани таъминлайди. Электрон рақамли хариталар ЭХМ воситалари ёрдамида чизилганда кадастр ишларининг самарадорлиги, аниқлиги ва тежакорлиги юқори даражада бўлади. Бу ишлар ҳам 2 хил шароитда амалга оширилади.

Дала шароитида ишлар юқори даражали техника воситалари: GPS приёмниклари, электрон тахеометр ва бошқалардан фойдаланилади. Камерал шароит. Бундай шароитда майдонларни ҳисоблаш ва харитани тайёрлаш ишлари бажарилиб, барча маълумотлар компьютерга киритилади ва вектор ҳолатга келтирилади ва янги электрон рақамли харита тайёр бўлади.

Тайёр бўлган электрон рақамли харита картография фабрикасига юборилмай жойнинг ўзида “плоттер” принтер ёрдамида рангли тасвирда нашрдан чиқарилади. Шу билан бирга вақт ўтиши билан хариталар эскириб, мазкур харитани янгилаш анъанавий усулда бажарилганда узоқ вақт ва яна

кўп маблаг талаб этилади. ЭХМ воситалари ёрдамида тайёрланган ЭРК 90 компьютер хотирасида сақланган бўлади ва уни керакли вақтда чақириб олиниб, қисқа вақт ичида ўзгартиришлар киритиб янги хариталарни ҳосил қилиш мумкин.

Қибрай тумани ҳудудида жойлашган фермер хўжалиги мисолида берилган электрон хаританинг умумий кўриниши қуйидаги расмда берилган (1-расм).



1-расм. Электрон рақамли хаританинг умумий кўриниши

Туман (шахар) миқёсида ер участкаларини хусусийлаштириш ва ер бозорини шакллантириш мақсадида маълумотлар моделининг тизимини яратиш зарур.

Моделнинг таркиби қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- қанча масофадан қўйилганлигини сонлар ёрдамида ёритган горизанталлар чизиқларини;

- вилоят ичида алфавит сонли кўринишларда умум қабул қилинган шартли белгиларни кўрсатиш асосида ер участкаларининг (ернинг устки қисмидаги), бино ва иншоотларнинг (шу жумладан, чизиқли) контурларини;

- қабул қилинган алфавит-сонли шартли белгиларни чегараланиш контурда, вилоят ичида кўрсатиш асосида ер ости объектлари ва қурилмаларининг (шу жумладан, чизикли) контурларини;
- ободонлаштириш элементларининг контурлари ёки уларнинг шартли белгиларини;
- йўллар, тор йўллар, йўлакларнинг чегараларини;
- бошқа объектларнинг номасштабли шартли белгиларини.

Tomarqa

YER UCHASTKASI



Subekt nomi	Maxsudov B.Yu.	Kadastr raqami	20:06:01:02:08:0002	Yer uchastka plani
Aholi soni	3			
Oilasi soni				
Tashkil topgan j	12.12.1975			
Shirkat xo'jalik				
A. Hamroyev				
Ekin yeri				
Lalmi yerlar	0,12			
Sug'oriladigan	3			
Bog' va mevali	0,025			
Imorat yeri	0,32			
Yer maydoni	3,49			

Шаклда мавжуд бўлган тугмачалар тўғрисидаги ахборотлар:

- | | |
|--|--------------------------|
| | - Ёзувни кўшиш |
| | - Навбатдаги ёзув |
| | - Олдинги ёзув |
| | - Мавжуд шаклни чоп этиш |
| | - Шаклни янгилаш |
| | - Ёзувни сақлаш |
| | - Ёзувни олиб ташлаш |
| | - Шаклдан чиқиб кетиш |

- Мавжуд шаклни ёпиш ва очиш

Ер участкасининг умумий дарчаси.




Компьютер дастурини ишлаб чиқишда AutoCAD ва GeoCad System тизимлари услублардан кенг фойдаланилган. Яратилган автоматлаштирилган рўйхатга олиш тизими ер участкалари ва кўчмас мулклар билан иш олиб боровчи ҳамда шу соҳаларни бошқариш, режалаштириш ва назорат қилиш бўйича турли масалаларни ҳал қилувчи турли даражалардаги маъмурий-хўжалик хизматларини ишончли, кўп қиррали ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Дастур Республика маъмурий туманлари ҳудудида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишда ягона автоматлаштирилган тизимни вужудга келтиради. Ер участкаларини рўйхатлаш уларни хусусийлаштириш, солиқ тизимини тартибга солиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш учун фойдаланилади. Рақамли кадастр харитасини яратиш эса асосида рўйхатга олишни такомиллаштириш масалаларини Ёритиш имконияти бу йўналиш истиқболини очиб берди.

Бу ғояни амалда тадбиқ қилиш соҳа ходимларининг меҳнат сарфи ва сарф-харажатларни камайтиришга ҳамда вақтини тежашга олиб келади. Ишлаб чиқилган «Еравтобанк» рўйхатлаш компьютер дастурини Республика миқёсида маъмурий туманлардаги ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати амалиётида қўллаш эвазига қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади:

- ер участкасига бўлган ҳуқуқларни такомиллаштиришда ҳужжатларни расмийлаштиришни тартибга солиш ҳам янги имкониятларни пайдо бўлишига олиб келади;
- иш сифатини, мутахассислар малакаси ва ишлаб чиқариш маданиятининг ўсиши;
- маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлигини ортиши;
- ердан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳимояси ортади ва барқарор фаолияти таъминлайди.

Тадқиқот натижасида тавсия этилган ечимларни республикаимиз туманларидаги юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш учун





амалга оширилса рўйхатлашда янги технологиялар самарасини оширишга таягона тизим асосида иш юритишга асос яратилади.

Юқоридагиларни амалга ошириш ўз навбатида ер ва кўчмас мулк тўғрисида автоматлаштирилган маълумотлар банкни яратиш билан узвий боғлиқдир, чунки ер участкалари ер кадастрининг объекти бўлиб, унда жойлашган кўчмас мулклар ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган функцияларни автоматлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ахборотлар тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

- ердан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисидаги параметрик ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- ҳуқуқ субъектлари тўғрисидаги, ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги ахборотларнинг киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- ер участкаси бўйича график ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- автоматлаштирилган давлат ер кадастрини юритишни;
- ер учун тўловларни келиб тушишини назорат қилишни;
- аҳоли пунктлари чегарасидаги ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилишни.

Демак, замонавий электрон хариталарни яратиш ва қўллаш муҳим аҳамиятга эга.



3-боб Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш

3.1 Тадбирларини бажаришга керакли капитал харажатлар.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш лойиҳасини иқтисодий асослаш учун лойиҳа тадбирларини амалга оширишга сарфланадиган капитал харажатлар аниқланади. Бизнинг лойиҳамизда капитал харажатлар сарфланиши кўзда тутилган. Бу харажатлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

27- жадвал

Лойиҳа бўйича капитал харажатлар.

№	Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги қиймати, минг сўм	Иш хажми	Жами харажатлар, минг сўм
1	Янги дала йўлларини таъмирлаш	км	150	1,0	150
2	Душ	дона	2000	1	2000
3	Дала шийпони қуриш	дона	7000	1	7000
4	Чорвачилик фермаси қуриш	га	50000	132,5	50000
5	Ҳисобга олинмаган бошқа харажатлар	%			800
	Жами				59950

Бу жадвалдаги маълумотлар бўйича лойиҳа тадбирларини амалга ошириш учун **59950** минг сўмлик капитал харажатлар сарфланади.


3.2 Капитал харажатларнинг самараси ва қопланиш муддати

Фермер Хўжалиги бўйича сарфланиши мўлжалланаётган капитал харажатларнинг самараси самарадорлик кўрсаткичлари орқали аниқланади. Самарадорлик кўрсаткичларидан энг муҳимларидан:

1) Сарфланган 1 сўм капитал харажатга тўғри келадиган соф даромад миқдори

2) Капитал харажатларнинг қопланиш даври

Юқорида келтирилган самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш учун биринчи навбатда етиштирилган маҳсулотлардан соф даромад миқдори аниқланади. Соф даромад ялпи маҳсулот қийматидан маҳсулот етиштириш учун



сарфланган ишлаб чиқариш харажатларини айириш орқали аниқланади. Капитал харажатларнинг самараси лойиҳа бўйича олинadиган қўшимча соф даромадни (ΔCD) капитал харажатларга нисбати билан аниқланади.

бунда: ΔCD - қўшимча соф даромад ($\Delta CD = CD_{\text{л}} - CD_{\text{м}}$)

K_x – капитал харажатлар, минг сўм

Капитал харажатларнинг қопланиш муддати жами сарфланадиган капитал харажатлар миқдорини лойиҳа бўйича олинadиган қўшимча соф даромад миқдorigа бўлиш орқали аниқланади.

$$T = \frac{K_x}{\Delta CD} = \frac{59950}{25756,22} \approx 3 \text{ йил}$$

Бунда: T – капитал харажатларнинг қўшимча соф даромад ҳисобига қопланиш муддати, 3 йил

Лойиҳа бўйича бажарилиши мўлжалланган тадбирлар ва уларга сарфланадиган капитал харажатлар 3 йил муддат ичида ўзлаштирилади.

3.3 Лойиҳа бўйича ялпи даромад, соф даромад, рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш

Фермер хўжалиги ер майдонларидан келажакда мўлжалланаётган ялпи маҳсулот қиймати, соф даромад, сарфланадиган капиталларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқлангач, фермер хўжалигида сарфланадиган харажатлар миқдorigа аниқланади.

$$CD = ЯМ - ХТ$$


Бунда: $ЯМ$ – ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм

$ХТ$ - маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган харажатлар, минг сўм

$$CD = 259754 - 200010,58 = -59743,42$$

$$P = \frac{CD \times 100}{X_t} = \frac{-59743,42 \times 100}{200010,58} = -29,9\%$$

Фермер хўжалиги ҳудудида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг умумий қиймати маҳсулотлар миқдорини ўлчов бирлиги харид нарҳига кўпайтириш орқали аниқланади.



Қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг умумий қийматини аниқлаш бўйича
хисоб-китоблар келтирилган.

28-жадвал

**Фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг умумий қиймати
хисоби**



т/р	Маҳсулот номи	Майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	Умумий маҳсулот, тонна	Бир тонна маҳсу- лот нархи, минг сўм	Умумий қиймат, минг сўм
1.	Буғдой	8.0	38	30.4	380	11552
	Буғдой (лалми)	26.4	14	36.9	380	14022
2	Нўхат	26.4	10	26.4	1200	31680
3	Беда	8.0	120	96	800	76800
4	зиғир	13.1	8.0	10.5	800	8400
5	Сут			45	1000	45000
6	Гушт			2.9	12000	34800
7	Пилла			5.0	7500	37500
	Жами					259754

Жадвалдан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида етиштирилган қишлоқ
хўжалик маҳсулотларнинг умумий қиймати **259754** минг сўмни ташкил этади.



29-жадвал

Иқтисодий кўрсаткичлар жадвали.

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар		Фарқи +/-
			Ер тузиш йилигача	Лойиқа бўйича	
1.	Фермер хўжалигининг умумий ер майдони	Га	96.9	96.9	-
2.	Қайдалма ерлар	Га	96.2	95.2	1.0
3	Чорва моллари	дона	-	48	48
4.	Алмашлаб экиш массивлари сони	дона		2	2
5	Етиштирилган сут	тонна	-	45	45
6	Етиштирилган гушт	тонна	-	2.9	2.9



7.	Асосий экинлар қосилдорлиги: Ш.ж. Бугдой Нўхат зиғир	ц/га	12 8.0 6.5	14 10 8	2 2 1.5
8.	Ялпи мақсулот қиймати	Минг сўм	212420	259754	47334
9.	Ишлаб чиқариш харажатлари	-//-	178432,8	200010,58	21577.78
10.	Соф даромад	-//-	33987,2	59743,42	25756.22
11.	Рентабеллик кўрсаткичи	%	19.0	29.9	10.9
12.	Капитал харажатлар миқдори	Минг сўм	-	59950	59950
13.	Капитал харажатларни қоплаш даври	йил	-	3	3



Хулоса ва таклифлар

Чирокчи туманидаги К.Содиқов номли массив ҳудудидаги “Алиқулов Музофар” фермер хўжалигида мавжуд бўлган ерлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш учун ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар мавжудлиги аниқланди ва таҳлил қилинди ҳамда хўжалик бўйича ердан фойдаланишнинг истиқболга режаси ишлаб чиқилди.

Ердан фойдаланишларнинг мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири ер тузиш ҳисобланади. Шу сабабли, “Алиқулов Музофар” фермер хўжалигида бўйича икки ечимда куйидагиларни ўз ичига оловчи ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда:

1. Алмашлаб экиш тизимини жорий этиш.



2. Фермер хўжалиги учун самарали ҳисобланган ёрдамчи ишлаб чиқариш йўналишини белгилаш.

Фермер хўжалиги ҳудудида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу экологик омиллар ҳисобланади. Улар аниқланди ва таҳлил қилинди. Лойиҳада ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллардан бири сифатида чавочиликни ривожлантириш режаси кузга тутилган.

Қишлоқ хўжаликни интенсивлаш жараёнида ечиладиган асосий масала- ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва тупроқ унумдорлигини доимий ошириб боришдир.

Ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга шароит яратиш, ерни ва атроф мухитни қўриқлаш ҳозирги вақтда ер тузишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.


Соф даромад 25756.22 минг сўмга ва самарадорлик кўрсаткичи 10.9% га ошди.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонунлар ва бошқа қуқуқий қужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Т.: «Адолат» 1998, 42-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: «Адолат» 2007, 240-бет.
3. Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида Низом. Вазирлар Мақамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган.
4. Ердан фойдаланиш ва уни муқофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида Низом. Вазирлар Мақамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган.
5. Савдо ва хизмат кўрсатиш соқаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда қамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Мақамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган.
6. Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларидаги қишлоқ хўжалик ерларида қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларини майдонларини инструментал ўлчов бўйича кўрсатмаси. РҚ 33-041-01. Тошкент 2001. 8-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси қудудларини кадастр бўйича бўлиш қамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Мақамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарори билан тасдиқланган.
8. «Ўзбекистон Республикаси қудудларини кадастр бўйича бўлиш қамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш қақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 492-сонли қарори, Т., 2000.
9. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эқтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Мақамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сон қарори билан тасдиқланган.



10. Ўзбекистон Республикасида ерга доимий эгалик қилиш ва ерда фойдаланиш қуқуқини берувчи давлат актларини тузиш, рўйхатга олиш ва бериш тартиби. Вазирлар Мақамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сон қарори билан тасдиқланган.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси: Қонун ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, -65-76 б.

II. Китоб ва рисоалар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.

2. Абдуразаков А.Т., Сафагариева Р.А. Землеустройство в орошаемых районах Средней Азии, ТИИИМСХ, Т.:1977.- 199 с.

3. Авезьбаев С. Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. Дарслик.Т.: Янги аср авлоди, 2002. 290 б.

4. Авезьбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш: Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2004.- 784 б.

5. Бобожонов О.Р., Рахмонов Қ.Р., Гофиров А.Ж.. Ер кадастри. Ўрта махсус, касб қунара коллежлари учун ўқув қўлланма. «Чўлпон» Тошкент-2002. 158-бет.



6. Дехқончилик тармоқларида ресурс потенциали ва унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар. - Т.: ЎЗР ҚСХВ, 1994. - 15 б.

7. Қурбонов Э.Қ., Бобожонов А.Р., Рақмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. Ўқув қўлланма – Т. “Тасвир - текст”, 1999. – 75 б.

8. Нигматов А.Н. Ер қуқуқи. / Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001- 224 б.

9. Рахимбаев Ф.М. и др. Сельскохозяйственные гидротехнические мелиорации (Практикум) Т.: Мехнат, 1988. - 363с.

10. Рахимбаев Ф.М. ва б. Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси.Т., Мехнат.,1994. 327 б.



11. Разумовский Г.И. Дехқончилик соқасида фермерлик хўжалигини ташкил этиш (хорижий тажрибалар). Т.: Ўзинформагропром, ЎзР ҚСХВ, 1993. - 7 б.

12. Раҳматов М.И., Авлакулов М.А. «Қашқадарё вилояти суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шўрланишга қарши самарали усулларни жорий этиш» мавзусидаги ИТИ ҳисоботи. Қарши ш., 2009.

13. Тўйчиев Н.Ж., Мирхошимов А.М., Плахтий К.А. Кўчмас мулкни баҳолаш асослари. Ўқув кулланма. - Тошкент: Адолат, 2000.

14. Хошимжонов М., Ғозиев Х. Суғориладиган ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш. - Т. : Мехнат , 1996 - 86 б.

15. Чертовичский А.С. Учет земель сельскохозяйственных предприятий орошаемых районов Средней Азии. - .: 1990. - 82 с.

16. Чжен В., Усманов С. Хусусийлаштирилган фермер ва деҳқон /фермер/ хўжаликларида ер бериш тартиб-қоидалари қақида Низом. Т.: ҚСХВ ЎзР, 1994. - 17 б.


III. Статистик тўпламлар

1. Ўзбекистон Республикасининг ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси. Т.: 2007, -26б.

2. Қашқадарё вилояти Нишон тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати маълумотлари. 2009-2011 йиллар.


VI. Интернет манбалари

1. www.c-x.com – Land and Real Estate Appraising
2. www.iiasa.ac.at -Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
3. www.gkz.uz—«Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасининг расмий веб сайти
4. www.gki.uz – Давлат мулки қўмитасининг расмий веб сайти
5. <mailto:site@tikhvin.org>
6. www.rels.obninsk.com
7. www.murman.ru/ecology
8. www.nestor.minsk.by/sn/sn0002



9. <http://db.socionet.nw.ru/rupeec/xml/book>

<http://goldenpages.uz/more.php?orgID=12024www.kurs-n.nnov.ru>



ИЛОВАЛАР